

Аъроф сураси, 30

05:00 / 23.01.2017 4140

30. Бир гуруҳни ҳидоят қилди. Бошқа гуруҳга йўлдан озиш ҳақ бўлди. Чунки улар Аллоҳни қўйиб шайтонларни ўзларига дўст тутдилар. Ҳамда ўзларини, албатта, ҳидоят топганлар, деб ҳисобларлар.

Одамлар азал-азалдан икки гуруҳга бўлиниб келадилар. Улардан бир гуруҳи ҳидоят топганлар, яъни, мўминлар, иккинчиси адашганлар-кофирлар гуруҳи. Аллоҳ:

«Бир гуруҳни ҳидоят қилди».

Аллоҳ ҳидояти тазйиқ ва зўрлаш билан эмас, Пайғамбар юбориш, китоб нозил этиш, ихлос билан қилинган дуо ва тазарруни қабул қилиш билан бўлади. Юқоридаги қиссадан маълум бўлганидек, ҳатто Пайғамбарлар, авлиё ва солиҳ бандалар ҳам шайтон васвасасидан саломат қолмаганлар. Аммо улар доимо яхшилиқни ихтиёр қилганлари, ёмонликдан қочганликлари учун Аллоҳнинг ҳидоятига сазовор бўлганлар.

«Бошқа гуруҳга йўлдан озиш ҳақ бўлди».

Уларни ҳам биров мажбур қилиб ёки зўрлаб йўлдан оздиргани йўқ. Ўз ихтиёрлари билан залолат йўлини танлаб олдилар.

«Чунки улар Аллоҳни қўйиб, шайтонларни ўзларига дўст тутдилар».

Уларни шайтон фитнаси шу ҳолга туширди. Икки гуруҳ ҳам Аллоҳ ҳузурига қайтадилар. Ана ўшанда қилган амалларига қараб ҳисоб-китоб бўлади.